

КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ АХВОЛИНИ БАҲОЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИК БЕЛГИЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЖОРИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдухаликова Дилора Таваккаловна
катта ўқитувчи, "Аниқ фанлар" кафедраси
Тошкент Кимё Халқаро Университети
diloraabdukhalikova@gmail.com
+998935792025

Аннотация: Маълумки, банкротлик ҳолати бу бир лаҳзада содир бўладиган воқелик эмас, балки маълум бир вақт давомида йиғилиб келган, корхонага салбий таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар оқибатида юзага келувчи жараёндир.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган айрим корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодий ночор белгиларини аниқлашнинг назарий асосларига тўхталиб ўтамиз.

Калит сўзлар: Интеграциялашув, глобаллашув, компаниялар, иқтисодиёт, иқтисодий ночорлик, молиявий аҳвол, таҳлил қилиш, банкротлик, молиявий инқироз.

I. Кириш

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида интеграциялашув даражасининг чуқурлашуви саноат корхоналарининг молиявий аҳволига таъсир этувчи омилларни кенгроқ ўрганишга, рақобат кучайиб бораётган бозор талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва самарали бошқаришни заруратга айлантирмоқда. Ҳозирги кунда корхоналарнинг молиявий ҳолатини аниқлашни тезкор амалга ошириш уларни иқтисодий ночор аҳволга тушмасликларининг олдини олади. Бу эса уларни ўзларининг ресурсларидан фойдаланган ҳолда фаолиятларини кенгайтириш имкониятини беради. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшиламасдан туриб, реал секторнинг ЯИМдаги улушини ошириш деярли имконсиздир. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш дастурий таъминоти корхоналарнинг молиявий менежерларига, уларнинг юқори ташкилотларига корхоналарнинг молиявий ҳолатини самарали мониторинг қилишда амалий ёрдам беради. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи корхоналарнинг молиявий ҳолатини аниқлаш, уларнинг молиявий ҳолатига макроиқтисодий омилларнинг таъсирини кўрсатиш мақсадларига йўналтирилганлиги билан янада долзарб ҳисобланади.

Жорий фаолият ва инвестициялар билан боғлиқ бўлган молиявий эҳтиёжларни молиялаштиришда корхоналар дуч келадиган капитал ва қарз ўртасидаги танлов ҳеч қачон осон бўлмаган. Молиялаштиришнинг иккала тури ҳам афзалликлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, шу пайтгача капиталнинг оптимал тузилиши корпоратив молияда ҳамон баҳсли масала бўлиб қолмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналар молиявий кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилишга қисқача тўхталиб ўтилган. Ҳамда

корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолаш ва иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлашнинг жорий назарий асосларига эътибор қаратилган.

II. Корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолашнинг иқтисодий асослари

Ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти кредиторлар, мулкдорлар, ишчилар ва бошқа пудратчилар олдида масъулият талаб қилади. Жаҳон иқтисодий аҳволи ва мамлакатдаги доимий ўзгарувчан бизнес муҳити ташкилотларнинг банкрот бўлиш хавфини олдиндан белгилаб қўйди. Ҳар қандай бизнеснинг асосий мақсади фойда олиш бўлганлиги сабабли, молиявий-хўжалик фаолиятини фақат ижобий иқтисодий натижа оладиган корхоналар амалга ошириши мумкин. Иқтисодий беқарорлик, бизнес дунёсининг ўзгарувчан муҳити, инқирозли вазиятлар Ўзбекистон корхоналарининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда¹. Аксарият давлат тузилмаларида модернизация ишлари олиб борилаётганлиги сабабли маҳаллий бизнес бўлинмалари бизнес муҳитига мослашишда қийинчиликларга дуч келмоқда². Шу сабабли, кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслик муаммосига дуч келаётган тижорат ташкилотларининг сони ортиб бормоқда.

Бугунги кундаги жаҳон иқтисодиётида интеграциялашув ва глобаллашув авж олган бир пайтда, дунё бўйича рақобатдош иқтисодиётнинг бир бутун иқтисодиётга айланиши- корхоналарнинг иқтисодий ночорликка юз тутмаслиги, ҳамда унинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этади. Кучли рақобат, глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётининг интеграцияси шароитида замонавий корхоналар рақобатбардошлик, молиявий барқарорлик ва ўзининг ташкилий тузилмасини ўзгартириш қобилияти каби хусусиятларга мос келади. Бизнес шароитларининг кескин ўзгариши янги тушунча - тўловга лаёқатсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Иқтисодий ночорлик, банкротлик тушунчалари, одатда, бир мазмунда қаралади. Уларни юзага келтирувчи сабаблар ниҳоятда кўп. Лекин сабабларнинг илдизида соғлом рақобат туриши иқтисод қонунларидан биридир.

Бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли хил шакллари асосланганлиги ишлаб чиқаришга янги техника-технологияларни жалб қилинишига имкон яратади, бу эса, маҳсулотлар таклифининг кўпайиши ҳисобига бозордаги нархларнинг пасайишига олиб келади ҳамда бозор иштирокчилари ўртасидаги соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. Натижада бозор иштирокчилари фаолиятида банкротлик жараёнлари фаоллашади. Бугунги кунда кузатилаётган пандемия шароитидан кейинги ҳолатда, глобал инқироз хатари жаҳон иқтисодиётига таҳдид солиб келмоқда. Бу жиҳат корхоналарда иқтисодий ночорликка, банкротликка қарши чора-тадбирлар фаоллигини оширишни тақозо этади. Инсонлар ўз бизнесини бошлаши, ночор корхоналар ёки чекка ҳудудлар “оёққа туриб олиши” ва янги экспорт бозорларига кириши учун баъзан ёрдам

¹ Пьерре-Оливиер (2022) “Global economic growth slows amid gloomy and more uncertain outlook”, ХВФ. манбаа: <https://www.imf.org/en/Blogs/Articles/2022/07/26/blog-weo-update-july-2022>.

² Тсеретели, М. (2018). “The Economic Modernization of Uzbekistan. Uzbekistan's New Face”, 82.

керак. Бу пировард натижада янги иш ўринлари пайдо бўлиши ва аҳоли даромадлари ошишига хизмат қилади.

“Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларига туртки бериш учун илгари тарихимизда бўлмаган имтиёзларни жорий этишга мажбур бўлдик. Бугун улардан натижа, сабоқ, тажриба қандай бўлди, деган саволга жавоб топиш керак. Бюджетдан ажратилган ҳар бир сўмнинг ҳисоб-китобини жойига қўйиш, имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш зарур,” - деди Шавкат Мирзиёев.³

Ташкилотларнинг банкротлик тартиби иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши керак. Иқтисодий нуқтаи назардан банкротлик – бу молиявий, иқтисодий, сиёсий, ички (бошқарув) ва билвосита омиллар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар фаолиятидаги иқтисодий ва тадбиркорлик таваккалчилиги. Ҳуқуқий жиҳатдан банкротлик - бу қарздор ташкилот томонидан кредиторга пул маблағларини қайтармаган тақдирда низоларни қонуний ҳал қилиш имкониятидир.

Дастлаб, корхонанинг молиявий ҳолатини ўз вақтида таҳлил қилмаслик туфайли компания раҳбарияти томонидан қопланадиган кичик йўқотишлар юзага келади ва бундай оқибатлар банкротликнинг кейинги белгилари аниқланиши мумкин. Иқтисодчилар корхоналарнинг реал банкротлигига дуч келишнинг уч босқичини ажратадилар. Биринчи босқичда корхонанинг ликвидлиги пасаяди. Бу жараён юридик шахс томонидан қабул қилинган пул мажбуриятларининг ортиши билан бирга кечади. Иккинчи босқичда корхоналар аллақачон ўзларининг молиявий ресурсларининг етишмаслигини ҳис қилмоқдалар. Фирма жалб қилинган инвестициялардан фойдаланиши ёки ўз активларини реализация қилиши керак. Учинчи босқичда аниқ номувофиқлик мавжуд, чунки компания ўз мажбуриятларини бажара олмайди ва шунчаки кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун маблағга эга эмас.

Шундай қилиб, инқирозли вазиятнинг мумкин бўлган сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, бошқарув органларини турли соҳаларда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида тўлиқ, ўз вақтида ва ишончли маълумот билан таъминлаш учун иқтисодиётнинг функционал йўналишлар бўйича компания фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ўзгаришини доимий мониторингини таъминлайди. Банкротлик эҳтимолини камайтириш учун ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сотишни камайтириш, сотишни рағбатлантириш, пул оқимларини оптималлаштириш, қарздорлар билан ишлаш усулларини такомиллаштириш ва кредиторлик қарзларини қайта тузишга эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга оширишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг пухта ўйланган механизмини яратиш, иқтисодий ўсиш суръатларини сифат жиҳатидан баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, ижобий макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш зарур. Давлатнинг фискал механизминини сифат жиҳатидан янги босқичга

³ “Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган имтиёзлар самарадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш” дан, Халқ сўзи газетаси, 01.11.2022 йилдаги сони

олиб чиқиш мамлакатимизнинг асосий мақсадларидан биридир. Бизнингча, бу вазифа мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муқим омил бўлиб хизмат қилади. Макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли бюджет дастурлари асосида таркибий ва институционал ўзгартиришлар орқали ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш каби вазифалар ҳам келгуси давр учун ҳам долзарб бўлиб қолади.

Корхонанинг молиявий аҳволини самарали бошқариш қобилияти, унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, нафақат унинг амалга ошириш мақсадига боғлиқ, балки умуман компания фаолиятга ва унинг молиявий ҳолатига таъсир этадиган айрим омилларни аниқлашдан ҳам ҳам иборатдир. Молиявий аҳвол деганда корхонанинг ўз фаолиятини молиялаштириш қобилияти тушунилади. Бу корхонанинг нормал фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, уларни жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан молиявий муносабатлари, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги билан тавсифланади. Молиявий аҳвол барқарор, беқарор ва инқирозли бўлиши мумкин. Корхонанинг тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, ўз фаолиятини кенгайтирилган асосда молиялаштириш қобилияти унинг муваффақиятли молиявий аҳволидан далолат беради⁴.

III. Корхоналарнинг молиявий аҳволига таъсир этувчи омиллар

Корхонанинг молиявий аҳволини самарали бошқариш қобилияти, унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, нафақат унинг амалга ошириш мақсадига боғлиқ, балки умуман компания фаолиятга ва унинг молиявий ҳолатига таъсир этадиган айрим омилларни аниқлашдан ҳам ҳам иборатдир. Молиявий аҳвол деганда корхонанинг ўз фаолиятини молиялаштириш қобилияти тушунилади. Бу корхонанинг нормал фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, уларни жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан молиявий муносабатлари, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги билан тавсифланади. Молиявий аҳвол барқарор, беқарор ва инқирозли бўлиши мумкин. Корхонанинг тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, ўз фаолиятини кенгайтирилган асосда молиялаштириш қобилияти унинг муваффақиятли молиявий аҳволидан далолат беради⁵.

Корхонанинг молиявий ҳолати концепциясини аниқлагандан сўнг, биргаликда унга бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаймиз. Аввало шуни таъкидлаш керакки, омиллар деганда иқтисодий жараёнларни амалга ошириш шартлари ва бу жараёнларга таъсир этувчи сабаблар тушунилади.

Молиявий тангликни ўрганишни ҳозирда иккита асосий оқимга бўлиши мумкин булар - бухгалтерия ҳисобига асосланган моделлар ва тузилмавий моделлар.

^{4, 5} Билык, Н. Д. (2015). Сущность и оценка финансового состояния предприятий. Финансы РФ, (3), 117

Тузилмавий модел ёндашуви кўпчилик томонидан бухгалтерия ҳисобига асосланган ёндашувдан устунроқ деб ҳисобланади. Бироқ, уни қўллаш учун капитал бозорларидан маълумотлар талаб қилинади, бу эса уни хусусий компаниялар намунасида қўллашни чеклайди ёки капитал бозори ривожланмаган муҳитда қўлланилишини чеклайди. Биз бухгалтерия ҳисобига асосланган муаммоли моделни ўрганишга ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Бизнингча, нақд пул оқимида асосланган индикаторларнинг молиявий тангликни башорат қилувчи омиллар сифатида ишлатиш фойдалилигини таҳлил қилиш энг маъқул йўл ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, чунки улар юқоридаги таснифлаш хусусиятлари контекстида бошқа омилларни ҳам ўз ичига олади. Ташқи, корхонага нисбатан, у таъсир қила олмайдиган ёки бу таъсир аҳамиятсиз (эндоген) бўлиши мумкин бўлган омиллардир. Ташқи омиллар халқаро, миллий ва бозорга бўлинади.

Халқаро омиллар умумий иқтисодий сабаблар (етақчи мамлакатларнинг иқтисодий циклик ривожланиши; халқаро банклар сиёсати билан тавсифланган жаҳон хўжалик тизимининг ҳолати), халқаро савдо барқарорлиги таъсирида шаклланади, бу эса уз навбатида. ҳукуматлараро битимлар ва битимлар бўйича ҳулосага боғлиқ. Ички омилларга корхонанинг ўзида (эндоген) фаолият шакллари, усуллари ва ташкил этилишига бевосита боғлиқ бўлган омиллар киради.

Шундай қилиб, корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи ички омилларини сифатий ва миқдорий жihatдан турларга бўлиш мумкин. Сифатийларга қуйидагилар киради: мақсад, фаолият соҳаси, анъаналар, обрў ва имидж, мулкчилик шакли, бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, бошқарув тизимини ташкил этиш, ихтисослаштириш шакли, ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, воситалар ва усулларнинг прогрессивлиги. ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш захиралари даражаси⁶.

Миқдорий омилларга қуйидагилар киради: малакали бошқарув ва ходимлар, бозор улуши ва ҳаёт циклининг босқичи, инновациялар, компаниянинг мослашувчанлиги, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, товар-моддий захиралар даражаси, баланс тузилиши, тўлов қобилияти, ликвидлиги, ўз ва қарз маблағлари нисбати, капитал қиймати, мулк тузилиши, инвестицион жозибадорлиги, акцияга тўғри келадиган даромад, фойда ва рентабеллик даражаси.

Шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Молиявий аҳвол диагностикаси жорий молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончлилигини баҳолашга имкон беради, ишлаб чиқариш

⁶ Зеленюк, Н. А. (2014). Учётно-аналитическое обеспечение управления доходами на предприятиях в сфере ресторанно-гостиничного бизнеса. Управление развитием сложных систем, (5), 103-110.

рентабеллигини ошириш учун захираларни излаш учун асос яратади, молиявий аҳволнинг беқарорлиги ва эҳтимоли ҳақида гипотезаларни илгари суради, вазиятни яратади. Бунда компания кредиторлар ва бюджет олдигаги мажбуриятларини бажариши мумкин бўлади.

Корхонанинг молиявий аҳволиги таҳлил қилишга келсак, у тизимли равишда ва турли хил усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак, бунда тармоқ компонентини ҳисобга олиш керак. Бу маълум бир санада ҳам, маълум бир даврда ҳам корхона фаолиятини ва унинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни таққослаш ва таҳлил қилиш, мавжуд маълумотларнинг етарлилиги туфайли таҳлил самарадорлиги ва сифатини ошириш имконини беради. Бу молиявий ресурслардан фойдаланишнинг энг тўғри йўллари топиш ва уларнинг тузилмасини қуриш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, корхонанинг хўжалик фаолияти жараёнида ресурсларни етказиб беришда узилишларнинг олдини олишнинг ва натижада, фойда режасини ва рентабелликни бажармасликни пасайтиришга олиб келади.

Омиллар ўртасида ўзаро боғлиқ бўлиб, корхона фаолияти натижаларига турли йўналишларда таъсир қилади: баъзилари ижобий, бошқалари салбий. Шу сабабли, замонавий беқарорлик ва ноаниқлик шароитида корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун унинг молиявий аҳволига таъсир қилувчи барча омилларни тадқиқ қилиш ва ҳисобга олиш масаласи айниқса долзарб бўлиб қолади.

Бугунги кунга келиб, мамлакат иқтисодиётини ҳар жабҳада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Жумладан, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси амалиётга жорий қилинди⁷.

Корхонада иқтисодий ночорлик (банкротлик) сабабларини иқтисодий баҳоламасдан, у билан курашиш бесамар ҳисобланади. Аксарият иқтисодчилар корхона миқёсидаги таназзуларнинг келиб чиқиш сабаблари маркетинг соҳасидаги камчиликлардан пайдо бўлишини таъкидлаганлар. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва бозор фаолияти ўртасидаги маълумотлар трансформациясининг бузилиши, узилишлар ёки бу даражадаги муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммолар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни туриб қолиши, жорий маблағларнинг айланувчанлиги пасайиши, пул оқимларининг етарли эмаслиги кабиларда намоён бўлади. Натижада корхона таназзули юзага келади.

Банкротликни вужудга келтирувчи сабабларни 1.1-расмда кузатиш мумкин.

⁷ “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 12.04.2022 йилдаги ЎРҚ-763-сон, Қонунчилик палатаси томонидан 2021-йил 16-августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2021-йил 30-сентябрда маъқулланган



1.1-расм. Банкротликни келтириб чиқарувчи сабаблар.⁸

IV. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида, 474-II-сон, 24.04.2003. <https://www.lex.uz/acts/65991>
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ЎРҚ-763-сон. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”, 12.04.2022. <https://lex.uz/docs/5957612?ONDATE=16.01.2024>

⁸ Н. Хасанов “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида банкротлик ва санациянинг назарий асослари” Диссертация автореферати, Т. Банк молия академияси.

3. “Президент Шавкат Мирзиёев Хузурида иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган имтиёзлар самарадорлиги таҳлили бўйича йиғилиш” дан, Халқ сўзи газетаси, 01.11.2022 йилдаги сони.
4. Пьерре-Оливиер “Global economic growth slows amid gloomy and more uncertain outlook”, ХВФ. манбаа: <https://www.imf.org/en/Blogs/Articles/2022/07/26/blog-weo-update-july-2022>.
5. Тсеретели, М. “The Economic Modernization of Uzbekistan. Uzbekistan's New Face”, 2018, 82 стр.
6. Билык, Н. Д. Сущность и оценка финансового состояния предприятий. Финансы РФ, 3, 2015. 117стр.
7. Зеленюк, Н. А. Учётно-аналитическое обеспечение управления доходами на предприятиях в сфере ресторанно-гостиничного бизнеса. Управление развитием сложных систем, 5, 2014. 103-110стр.
8. Хасанов Н. “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида банкротлик ва санациянинг назарий асослари” Диссертация автореферати. Т. Банк молия академияси. 102 б.
9. Lund, Susan. 2018. Are We in a Corporate Debt Bubble/Project Syndicate. Available online: <https://www.project-syndicate.org/commentary/growing-corporate-debt-crisis-risks-by-susan-lund-2018-06> (accessed on 3 August 2021)